

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

470 Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг сод- далаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1781-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1 ва 1/2-сон қарори (рўйхат рақами 1781, 2008 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 81-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 27 август,
77-сон

Р. АЗИМОВ

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,
2015 йил 27 август,
16-сон

Ш. ТЕШАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлигининг 2015 йил
27 августдаги 77 ва 16-сон қарорига
ИЛОВА

**Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг
соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбек тилидаги матннинг муқаддимасидаги «Фермер хўжаликлари тўғрисида» деган сўзлар «Фермер хўжалиги тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 32-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 24 январда 376-сон билан тасдиқланган, Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари (рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабрь)» деган сўзлар «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари (рўйхат рақами 2687, 2015 йил 22 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Д. ХИДОЯТОВ

2015 йил 27 август

*Ўзбекистон Фермерлари
кенгашининг раиси*

С. ТУРДИЕВ

2015 йил 27 август